

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БЎЙРУҒИ

**282** «Истеъмомчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1731-2*

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси) тўғрисидаги низомга ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 52-сонли «Энергия таъминоти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 17 сентябрдаги 144-сонли «Истеъмомчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1731, 2007 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 43-сон, 436-модда);

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2011 йил 24 ноябрдаги 24-сонли «Истеъмомчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1731-1, 2011 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2011 й., 51-сон, 547-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда «Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик компанияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**А. НИМАТУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 3 июнь,  
5-сон

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

**Келишилган:**

*Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси*

**Б. ЗАКИРОВ**

*2014 йил 30 май*

*Хусусийлаштириш, монополиядан  
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси*

**А. АБДУХАКИМОВ**

*2014 йил 21 май*

*«Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик  
компанияси Бошқарув раиси*

**И. БАСИДОВ**

*2014 йил 12 май*